

O'ZBEKISTON

OVOZI IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 22-iyun • Payshanba • 71 (27.563) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Фармон ва ижро

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони чет эл инвесторлари сармояларининг мамлакатимизга кириб келиши учун янада кенг йўл очди. Бу эса иқтисодий тиричиликни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган.

Пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбоев номи бош кийимлар фабрикаси маъсулияти чекланган жамияти хайрли ишга қўл урди: Малайзиянинг «Tway texco sdn bhd» компанияси билан ҳамкорликда янги «Uz-Tway texco» қўшма корхонаси ташкил этилди. Малайзиялик сармоядорлар 150 минг АҚШ долларлик инвестиция киритиб, корхонанинг тенг ярим акциясига эга бўлди.

— Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани спорт инвентарлари, жумладан, либосларига бўлган эътиборни янада оширишда, — дейди фабрика директори А. Исмоилов. — Шу боис янги қўшма корхона спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда. Қўшма корхона замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яқин кунларда бу ерда махсулотнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилади. Зарур ҳолатда маҳаллий корхоналардан олинади.

Орагул РУСТАМОВА (ЎЗА)



• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

Бугунги кунда Хонка туманида 142 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар саломатлигини сақлаш йўлида жами 616 нафар шифокор, 928 нафар ўрта махсус маълумоти тиббиёт ходими самарали фаолият кўрсатаётган. Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурига биноан айни пайтда 15 та қишлоқ врачлик пункти, 470 ўринли марказий шифохонада катта ҳажмда таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 100 ўринли туғуруқхона мажмуини таъмирлаш юзасидан ҳомийлар кўмағида 215 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Саховатпеша инсонлар кўмағидан мамнунмиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Матназар Раҳимов. — Уларнинг бизга кўрсатаётган беминнат ёрдами шифокорларимизни янада яхшироқ ишлашга, эл саломатлиги йўлида жонқур бўлишга руҳлантиришда.



Суратларда: туғуруқхона мажмуи шифокорлари Санобар Отажонова, Солия Болтаева, Гавҳар Рўзमतова; тиббиёт ҳамширалари Мехрибон Жуманиёева, Рохатой Раҳмоновалар она ва бола билан. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Муносабат

ШХТ: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон халқининг ўзига хослиги, миллий менталитетини белгилайдиган улугъ фазилатлардан бири яна мақсад йўлидаги ҳамкорликдир. Бу мақсад тинчлик, осойишталик, халқаро ҳамжиҳатлик ва дўст-биродарлик аналаларини кадрлардан иборат. Бу умумбашарий қадриятлар эъзози истиқлол йилларида давлатимизнинг нуфузини халқаро миқёсда юксалтириб келмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнлари тобора ривожланаётган, айниқса, халқаро терроризм ва экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, гивҳанд моддалар савдоси хавфи ошган, яшрин миграция халқаро муаммага айланган бугунги давр эса давлатимизнинг кўп йўналишли ташқи сиёсатида устувор муносабатлар шаклланиши талоқ элади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти унга аъзо барча давлатлар учун, айни пайтда Ўзбекистон учун ҳам юксак манфаатли ҳамкорликнинг устувор муносабатлари қарор топишига яна бир асосдир. ШХТнинг беш йиллик юбилей саммити арафасида Президентимиз И.А.Каримовнинг Хитой Халқ Рес-

публикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, берган интервьюсида эътироф этилганидек, ўтган даврда бу ташкилотнинг, шунингдек, сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача — барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат сахнасида мустақам ўрин эгаллади.

Яқин йилларда халқаро майдонда рўй берган ўзгаришлар кўлами, Евроосиёда, айниқса, Марказий Осиёда геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгариши ШХТ нуфузини оширди. Ушбу ташкилот халқаро миқёсда биринчи бўлиб террорчиликка қарши ҳамкорликда қатъий зарба беришга қарор қилган ташкилот сифатида ҳали жуда катта ва эзгу ишларни амалга оширади. Бу борада ШХТ ўзининг илк саммитидаёқ таъсис ҳужжати билан бирга Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига ҳам эга бўлган.

ШХТ белгилаган ҳамкорликнинг истиқболлари яна шунда кўринади-

ки, у очик ташкилот сифатида бошқа давлатларга қарши бўлмаган умуминсоний ва умумбашарий манфаатлар учун аниқ йўналишларни белгилаб олган ташкилотдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат сиёсий қўла-рининг сўл қаноти сифатида жаҳон демократик сўл қанотида қабул қилинган тенглик, озодлик, адолат, бирдамлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари, тинчлик принципларига амал қилади. Бу жиҳатдан партия ўз Дастурида белгилаб олганидек, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафика биргаликда қарши курашиш учун дўст мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

ШХТнинг 2002 йилдаги Хартияси, 2004 йилдаги Тошкент декларацияси... Булар дунё халқларининг нафақат бугунги, балки келажаги учун ҳам гоёт муҳим ва эълорли ҳужжатлардир.

Биз воқеаларга икки стандартдан туриб муносабат билдиришга, позициясизликнинг ҳар қандай кўринишига қаршимиз. Мухтарам Президентимизнинг мамлакатимиздаги, ҳатто бугун жаҳондаги экстремистик ҳужжатларга қарши

огоҳликка даъватини қизгин қўллаб-қувватлаймиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нуфузининг барқарор юксалаганини унга аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатлар сонининг ортаётганидан ҳам билиш мумкин.

Саммитда Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларро битим имзолангани эса, ушбу соҳадаги илҳомларнинг янада чуқурлаштиришга хизмат қилади деб ўйлайман. Айни чоғда билимни, маърифатни авлодни тарбиялашда, ёшлар онгини захарлаб, йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўжир ижрочиларини тайёрлайдиган кўпжа ради-кал ва экстремистик марказларнинг қабих ниятларига қарши қаратилган ҳаракатларга янги қуч-қувват бағишлайди.

Бу ҳаракатлар мустақил давлатимизда халқимиз амалга ошираётган миллий истиқлол гоёси, қолаверса, ЎзХДП мафқураси билан жуда-жуда уйғун.

Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Наманган вилояти кенгаши раиси

«ЎзХДП — 15 йил» танловига

КАТТА СИЁСАТ АНИҚ ИШЛАРГА ТАЯНАДИ

Ўзбекистон ХДПнинг бешинчи қурул-тойдан кейин партия ҳаётида янги давр бошланди. Мамлакатимизда олиб борилган туб ислохотларнинг ижтимоий самарасини кескин оширишга даъват этаётган партиянинг Сайлов-ди Платформаси ва янги Дастурида бу вазифани ҳал этишнинг электрот нуктаи назаридан мақбул йўл ва воситалари таклиф этилган. Бу иш энг аввало, партиянинг дастурий гоёлари, мақсад-муддосига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқлик киритиш, уларни янги мазмун-моҳият билан бойитиш, янги руҳ бағишлашдан бошланди. Ўзини мамлакатдаги сиёсий қучларнинг сўл қаноти деб эълон қилган партияимиз, табиийки, сўл гоёлари, сўл сиёсий қарашлари ва шунга монанд широрларни ишлаб чиқиш, жамиятга тақдим этди. ЎзХДП янгиланган мафқурасининг ўзгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турли сабабларга қўра бозор муносабатлари-га мослаша олмаётган заиф қатлам-лари, кўп болали оилалар, нафақасиз ва ногиронлар, ишсиз ёшларнинг ман-фаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш гоёси ташкил этди.

Бу билан, биринчидан, Ўзбекистон ХДП кимнинг партияси, кимларнинг манфаатларини ифода этади, кимларга хизмат қилади, деган саволларга аниқ-тиник жавоб берилди. Партия-мизнинг бутун халқнинг эмас, балки аҳолининг муайян қатламлари ман-фаатларини ифода этувчи сиёсий таш-килот эканлиги очик айтилди. Иккин-чидан, партияимиз ўз мақсадларига эришиш учун сиёсий рақобат майдон-ида қайси ташкилотлар билан ижти-моий шериклик муносабатларини ўрнатиши ва кимлар билан сиёсий ра-қобатда бўлиши масалаларига аниқ-лик киритилди.

Партияимизда бошланган янгиланиш жараёнининг энг муҳим хусусиятлари-дан яна бири шунки, эндиликда у ўзи-нинг сиёсий қарашларини ишлаб чи-қиш ва эълон қилиш билан кифоялан-масдан, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлини тўтди. Бу ўринда Марказий Кенгаш учинчи пленумининг роли ай-ниқса каттадир. Пленум Ўзбекистон ХДП бешинчи қурултой қарорларини амалга оширишнинг устувор йўналиш-ларини белгилади. Партиянинг Мар-казий Кенгашидан тортиб то бошлан-

гич ташкилотларигача бўлган тузил-маларига хозирги кунда нималар бил-лан шуғулланиши, қурултой кўрсат-маларини бажариш учун нималар қилиши, мавжуд имкониятлардан қан-дай фойдаланиш кераклиги тўғриси-да аниқ йўл-йўриқлар берди.

Пленум Ўзбекистон Халқ демокра-тик партияси янги Дастурида бел-гиланган яқин истиқболдаги мўлжал-га эришиш, яъни ХДПнинг жорий беш йилликда ҳокимият партияси да-ражасига кўтарилиши борасидаги стратегик вазифани ҳар томонлама асослаб берди. Зеро, кўп йиллик тажрибадан маълумки, сайловчилар-нинг аксарияти яхши дастурлар, мафтункор ваъдаларга қараганда, аниқ ҳаракатлар, амалий ишлар, қўлидан иш келадиган номзодларга кўпроқ ишонади. Сайловда уларни қўллаб-қувватламоқда. Шундай экан, партия электорати манфаатлари йўлидаги амалий ишларга бугунда-ноқ киришилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар аниқлашгансан

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz

Хизматлар аниқлашгансан

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKOR!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74

WWW.tshbmi.uz E-mail: info@tshbmi.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар аниқлашгансан

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятиңиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар аниқлашгансан

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИБ БОРАВЕРИШИГА ИШОНАМИЗ

Саудия Арабистони ва Кувайтда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби араб тилида нашр этилиб, жамоатчиликка тақдим этилди. Ушбу китоб нафақат мазкур икки мамлакатда, балки бутун араб дунёсида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот маросимлари араб мамлакатларидаги энг нуфузли илмий-таҳлил муассасаларидан бири — Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёддаги шоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари маркази ҳамда Кувайт миллий университетиде бўлиб ўтди. Тадбирда Президент Ислам Каримовнинг мазкур китоби ўз вақтида нашр этилгани ва у айрим чет эл оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон ҳақида тарқатган бўхтонларига муносиб жавоб эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг китоби араб матбуотида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, «Ал-Ҳаёт», «Араб ньюс», «Рияд» каби нуфузли нашрларда ушбу тадбир билан боғлиқ мақола-лар чикди. Уларда мазкур асар тақдими тўғрисида араб жамоатчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони пайдо бўлгани қайд этилди.

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили вазифасини бажарувчи Наиф бин Саид аз-Заҳроний билан ЎЗА мухбирининг суҳбати ҳам шу ҳақда бўлди.

тинчлик ва барқарорликни му-стаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан олим му-тафаккирлар умумбашарий ци-вилзацияга, жумладан ислом дини ривожига бебаҳо ҳисса қўшган. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Ибн Сино, ал-Хо-размий, ал-Беруний каби дун-нега машхур алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва му-хофаза этиш бўйича Ўзбеки-стонда жуда катта ишлар амал-га оширилаётганига гувоҳимиз.

— Ўзбекистон билан Са-удия Арабистони ўртаси-даги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ни-малар дея оласиз?

— Саудия Арабистони Под-шоҳлиги Ўзбекистон муста-қиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. 1992 йил ап-рель ойда Ўзбекистон Пре-зиденти Ислам Каримов Са-удия Арабистонига ташриф бу-юриб, Икки муқаддас масжид ходими, марҳум шоҳ Фаҳд бил-дан учрашган, ўзаро алоқалар ҳақида фикр алмашган эди. Ушбу ташриф мамлакатлари-миз ўртасидаги ҳамкорликка тамал тошини қўйди.

1995 йил Ар-Риёдда Ўзе-кистон элчихонаси, Жидда шаҳрида эса консулхонаси очилди. 1997 йилдан Тошкен-та Саудия Арабистони элчи-хонаси фаолият кўрсатмоқда.

2004 йили Ар-Риёд шаҳрида Ўзбекистон — Саудия Араби-стон ҳукуматлари қўшма ко-миссиясининг иккинчи йиғи-лиши бўлиб ўтди. Айни пайт-да ушбу комиссиянинг учин-чи йиғилишини ўтказишга хозирлик кўриломоқда.

Хозир мамлакатларимиз ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иккиёлқам солиққа тортиш-дан воз кечиш, хавфсизлик борасида ҳамкорликка оид қатор икки томонлама ҳужжат-ларни тайёрлаш борасидаги ишлар қўнига етмоқда.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги дўсто-на алоқалар икки давлат ра-ҳбарлари раҳнамолигида яна-да ривожланиб боришига қатъий ишонамиз.

ЎЗА мухбири Фозилдин АРЗИЕВ суҳбатлашди

• Миллий истиқлол ғояси

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАЎЖАМЛАШ БУРЧИ

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан бўён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш бўлиб қолаверади.

Ислоҳ КАРИМОВ

Бизга тарихдан яхши маълумки, миллат учун истиқлолни қўлга киритиш қанчалик мураккаб бўлса, уни қадрлаш, мустақамлаш ҳам ўта машаққатли ва масъулиятли вазифа бўлиб келган. Мустақилликни мустақамлаш деганда, биз авваламбор, ҳар бир фуқаронинг онг-тафаккурига энг олий неъмат бўлиши истиқлол туйғусини синғдиришимиз, озошлик миллат учун ҳаёт-мамат масаласи эканлигини англашимиз зарур. Чунки, миллий истиқлолга ғояси қалбимизда мустақам ўрин олмабса кемтик пайдо бўлиши мумкин. Бундай бўшлиқни аса бизга ёт бўлган ўзга мафуралар эгаллаб олишга ўринини ҳаёт кўрсатиб келяпти.

Шунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустақамлашмас экан, у бор-йўғи қуруқ, бандпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади.

Бугун Ер кўррасида шундай давлатлар борки, ўзи расман мустақил бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан қарамдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк палласиданоқ ёқили-энергетика ва ғалла мустақиллигини қўлга киритиш билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдиртиш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга қўйиш ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, бу борада муайян ишлар олиб бориладими.

Ҳозир мамлакатимизда иқтисодий мустақилликни таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодий ўсиш 1991 йилга нисбатан 2005 йил якунига буйича 28,2 фоизга ўсгани, умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошганилиги, ўтган йили ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич — 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридики иқтисодий шартлари яхшироқ яшайдиган, мамлакатнинг олтинвалюта захираси 1,3 марта кўпайганилиги ҳам давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган изчил ва тўрғи натижасидир.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини янада фаол жорий этиш, аҳоли даромадларини ошириш, ишқиликни қўсқатириш мақсадида хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжалиқлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш натижасида кичик бизнес объектларининг умумий сони 310 миңгадан ортиб кетди, ҳозирги кунда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 38,2 фоизга етганилиги, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоизи айнан шу соҳада фаолият юритаётганлиги ҳам мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш бўйича изчил ҳаракат қилинаётганлигидан далolat беради.

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш учун барча асослар мавжуд. Хали

ишга солинмаган бой табиий ресурслар юртимиз истиқлолидан дарак беради. Мамлакатимиз раҳбарининг тўғри сиёсати тўғрисида мустақилликнинг иқтисодий асосини янада мустақамлаш мақсадида бу тармоқнинг юқори ўсиш суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиктисодий кўрсаткичларни таъминлаш, бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитлар яратиш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қўлай муҳит яратиш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш устувор вазифалар сифатида белгиланиб, бу борада муайян ишлар олиб бориладими.

Мустақилликни мустақамлашда фаол ташқи сиёсат ҳам муҳим роль ўйнайди. Бугун Ўзбекистонни мустақил суверен республика сифатида эътироф этаётган ҳар қандай давлат билан мамлакатимиз ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатмоқда. Террорчилик ва экстремистик марказлар ўзаро бирлашиб трансмиллий жиноятчилик авж олаётган бир вақтда, шунингдек гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун қуюнчи ва демократияни қўриш баҳонаси билан, аслида геосиёсий ва геостратегик манфаатларни қўзғатган айрим кучларнинг таҳдидларидан ҳимояланиш учун ҳам Ўзбекистон ўз дўстлари билан алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириши муҳим аҳамиятга эга.

Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, эл-юртимизни ҳавф-ҳатарлардан сақлаш, бизга ёвуз ниёт билан кўз олайтираётган ғанимларга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган қудратли Куролли Кучларимиз мустақилликнинг ҳарбий жиҳатдан мустақамлашнинг ўзига хос гаровидир. Лекин шундан алоҳида таъкидлаш жоизки, миллатда гурур, ватанпарварлик, фидойилик бўлмаса, энг замонавий армия ҳам таъжовуб ва таҳдидларни бартараф этишга ожизлик қилади. Чунки, ҳар доим ҳам қуроли таҳдид бўлавермайди.

Демак, униё-ўсиб келаётган ёшлар онгига миллий гурур,

миллий ифтихор туйғуларини синғдириш мустақилликни мустақамлашнинг муҳим талабларидан яна биридир. Фарзандларимизни мана шу руҳда тарбиялашда аса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқийёс. Бироқ, ахборот глобаллашуви кечаётган ҳозирги мураккаб шароитда ёшларнинг онгини бузадиган, эртанинг кунга ишончини йўқотадиган ҳар хил бузғунчи ғояларга ўзига хос жавоб бўладиган, таъбир жоиз бўлса халқимизнинг кийлигини, нималарга қодир эканлигини намоён қиладиган кучли бош ғоямизни ҳам янада мустақамлашимиз шарт.

Миллатимиз ўзининг асл қадриятларини тиклаётган, Ватанимиз мустақил юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўрин эгаллаган бир вақтда эзгу мақсадлар сари фаол иштирокига сабаб бўлувчи, ёш авлодда мен кимман, аҳдоларим кимлар бўлишган, деган туйғунини уйғотувчи, мустақилликимизга раҳна солишга уринаётган ғаразли кучларга зарба берувчи воситалардан етарли даражада фойдалана олмаётганимиз. Ёш авлод миллатни улуғлайдиган, юрт тинчлигига хизмат қиладиган тарбиявий омилларнинг қудратли таъсирини ҳис этсагини уларда ватанпарварлик туйғуси кучаяди, мустақиллик олдидаги масъулияти ортади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик — бу аввало ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суюниб, отабобларининг асрий орузумидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт кўриш, ҳеч кимга қарама-қарши бўлмай яшаш ҳуқуқи экан, уни мустақамлаш, ушбу ҳуқуқни сақлаб қолиш учун қурашчи барчамизнинг бурчим бўлмоғи лозим. Чунки, мустақилликни мустақамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш Юртошимиз қайд этганидек, биз учун ҳаммиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади.

Мирафзал МИРАҚУЛОВ,
хуқуқшунос

• ЎзХДП ҳаёти

КАСАНАЧИЛИККА ЭЪТИБОР ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидики ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан Сирдарё туманида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Яқинда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан Бахт шах-рида ўтказилган семинар-

тренинг ҳам ана шу масала-ларга бағишланди. Унда халқ депутатлари, вилоят туман Кен-гашлари депутатлари, партия кенгашлари раислари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, кол-лежлар талабалари иштирок этишди. Семинарда таъриф бур-юртлар, дастлаб, Бахт шах-ридаги касаначилар ишлари акс этган кўргазма билан та-нишдилар. Кўргазмада Турсу-ной Ирова миллий, Норинска Бахтижаева келин-куёвлар учун зардўзлик усулда тикил-ган либослари, Омина Ризаева турли хил дўппилари, Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази

раҳбари Мавлуда Никурадзе қўлда ясалган турли хил ўйин-чоклари, Абдуқодир Сапаров ёғочдан ясалган ҳайкалчалари, Тоир Камоллов пойабзаллари, Шерзод Ҳасанбоев пичоқлари, Раҳматулла Нарзуллаев бешик-лари, Қосим Мирзагалиев сан-диклари билан қатнашди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депу-тати Насимқул Каримов каса-начилар ишлари билан тани-шиб, аҳолининг баёнлигини та-минлаш бўйича қонунларга ки-ритилаётган ўзгартиришлар, янги қонунлар лойиҳалари

ҳақида гап-риб берди. Тадбир-да сўзга чиққан Сирдарё вил-оят мейнат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш бош бош-қармаси бошлиғи А.Абдуллаев Фармон ижроси юзасидан, Бахт шахар ҳокими Ю.Иўлдощев аҳоли баёнлигини таъминлаш-да маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлик тузилмаларининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг қизғин сово-л-начилар бўлди. Вилоятда ка-саначиликни янада ривожлан-тириш бўйича таклифлар иш-лаб чиқилди.

Нафиса ПўЛТАОВА

ТАШАББУС, ҲАРАКАТ, САМАРА

Қарши санаот коллежи нефть ва газ-кیمیё санаотиға малакали мутоассислар етказиб берувчи ўқув маҳканларидан бири ҳисобланади. Яқинда коллеж раҳбарияти яхши бир ташаббус билан чиқди.

— Бизда Қамашидаги 4-Мехрибонлик уйи тарбияланувчи-лар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам таълим-тарбия олишади, — дейди коллеж директори Анниёз Эшамонов. — Президентимиз-нинг касаначиликни ривожлан-тириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган, тикувчилик, дурадгорлик, темирчилик цехларини ташкил этдик. Шаҳардаги «Санам» тикувчилик фабрикасида 5 та тикув

машинасини ижарага олдик. Ёзги таътил давомида цехлари-мизда мейнат қилиш истагини билдирган талабаларни иш билан таъминлаямиз ва уларга маош ҳам белгиланганми. Ёшлар ўз қўллари билан кетмон, белкўрак, теша каби иш қуролла-ри тайёрлашмоқда. Ҳомий

корхоналар билан шартномалар тузганми. Ўз навбатида уларни навбати билан оромгоҳларга юбориши ҳам режалаштирган-ми.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири



КОРХОНА ҲИММАТИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан мамлакатимизнинг барча шахар ва қишлоқларида аҳолининг ик-тимоий ҳимояга муҳтож қатлам-лари таъминотини яхшилашга, ногиронлар, ёлғиз қариялар,

эҳтиёжман оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилябёр. Бу борада қўли очик тадбиркор-лар, соҳаватпеша юрдошлари-миз, ишлаб чиқариш корхонала-рининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Новоий шахридаги «Қизилқум-цемент» корхонаси жамоаси ҳам бу борада бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Хусусан, яқинда «Би-нокор» маҳалла фуқаролар йи-ғини ҳудудидаги 15-мактаб ку-тубхонасига 1,2 миллион сўмлик

дарслик ҳамда бадий китоблар олиб берилди. Мактабнинг янги спорт залини жиҳозлаш учун беш миллион сўмлик спорт анжом-лари келтирилди.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири

• «ЎзХДП — 15 йил» танловига

КАТТА СИЁСАТ АНИҚ ИШЛАРГА ТАЯНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқингача бизда «партия ижтимоий таъминот идораси ёки касабани уюшмаси эмас, балки сиёсий ташкилотдир, унинг вазифаси сайловлар оралиғида оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишлар воситасида халқни сиёсий жиҳатдан уюштириб, сайловларда ютиб чиққан кейин ҳокимият механизмларидан фойдаланиб, муаммоларни уziel-кесил хал қилишдир», деган фикрлар кенг тарқалган эди. Бундай «катта сиёсат» фалсафаси тарафдорлари жилғалардан дарёлар, дарёлардан денгизлар пайдо бўлади, деган ҳақиқатни унутган, илгор демократик мамлакатлар таъриба-сида беҳабар бўлсалар керак. Вазоҳатки, кўпгина хорижий мамла-катларда ҳокимият тепасида турмаган сиёсий партиялар парламан-та сайланган депутатлари орқали қонунлар қабул қилиниши ва дав-лат сиёсатини ишлаб чиқишга му-ҳолифат сифатида таъсир кўрса-тадилар. Шу билан бир қаторда, улар шахар ва қишлоқ сайланма бошқарув органлари (мериялар, муниципалитетлар ва ҳоказолар)-да фаол иш олиб борадилар. Улар-даги ўз вакилларига таяниб, аҳоли-нинг кундалик турмуши билан бо-ғлиқ масалаларни хал этишда та-шаббускар бўлишга ҳаракат қила-дилар. Бу ишлар партияларнинг ик-бий имижини яратишга, халқ

ўртасида обрўйини оширишга, электорати сафларини кенгайтири-шига қўмақлашади.

Шу нуқтага назардан қараганда, бугунги кунда Ўзбекистон ХДП ҳам амалий ишлар билан шуғулланиш учун катта имкониятларга эга. Бу қандай ишлар? Ён аввало, бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасидики-партиямиз фракциясининг парла-ментдаги муҳолифат мақомидан ке-либ чиқиб, қонунларни яратишда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ЎзХДП ижтимоий таянчи манфаатларига жавоб берадиган қонунчиликнинг юзага келишига эришиш, қонунларнинг ижро этили-шини таъминлаш ишига ҳисса қўшишдан иборат.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонун-лар лойиҳасини тайёрлаш, муҳока-ма этиш ва тақомиллаштиришга фракция аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Шу мақсадда улар 26 марта маъруза қилдилар, 460 мар-та муҳокамаларда сўзга чиқдилар. Юзлаб ёзма таклифлар киритдилар. Фракция аъзолари 2005 йил Дав-лат бюджети лойиҳаси муҳокамаси пайтида унда меҳнатта қобилиятли аҳолининг иш билан тўлақонли бан-дирлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш учун ажратилди-ган харажатларнинг алоҳида кўрса-тилиши тўғрисидаги таклифни ки-ритдилар. Уларнинг ташаббуси бу-лан, қўйи палатада республика ҳу-куматининг қишки мавсумда аҳолини

электр энергия ва табиий газ билан таъминлаш бўйича ахбороти тингланди. Тожикистон алюминий заводи чиқиндиларининг Сурхонда-рё вилояти шимолий ҳудудлари та-биати ва аҳолисига кўрсатаётган салбий таъсирини ўрганиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси комиссияси тuzилди. Булар депу-татларимизнинг ўтказишга амалий қўмак бераётдилар. Натижада, партиямиздан сайланган депутат-ларнинг ўз сайловчилари, партия электорати, соҳават, аҳолининг кундалик ҳаёти билан яқиндан тани-шиб, одамлар дуч келаётган муам-моларни чуқурроқ ўрганиб, огири-ни энгиллатишга ҳаракат қилмоқ-далар.

Ўтган йили Самарқанд вилояти, Урганч тумани, Қорапета қишлоқ фу-қаролар йиғини ҳудудидики бир неча қишлоқ аҳолиси Ўзбекистон ХДПдан вилоят Кенгашига сайлан-ган П.Собиरोвдан марказий теле-лар видениеси кўрсатувларини томоша қилиш имкониятини яратишга қўмақлаштириш сўрадилар. Депутат муаммони обдон ўрганиб, тегиш-ли идора ва ташкилотларга муро-жаат қилди. Унинг елиб-югуриши тўғрисида 30 миң АҚШ доллари миқдоридики телеузаткич ускуна-лари ўрнатилди. Тоғолди ҳудудлар-да истиқомат қилувчи талай аҳоли телеузор орқали марказий канал-ларни томоша қилиш имкониятига эга бўлди. «Оқдарё» ширкат хўжа-лиги раиси, халқ депутатлари ту-ман Кенгаши ХДП депутатлик гу-

руҳи раҳбари Н.Умаров 63-сонли маҳсул мақтаб-интернат тарбияла-нувчиларини сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақса-дида, уларга битта соғин сигир совға қилди. Қашқадарё вилоят Кенгашига ХДПдан сайланган депутат, вилоят касабани уюшма ташкилотлари бир-лашмаси раиси Э.Ражабов сай-ё ҳаракатлари билан кам таъминлан-ган оилалар, мактаб-интернат, Ме-хрибонлик ва Саҳоват уйлариға тўққиз миллион сўмлик ҳомийлик қўмақ кўрсатилди. Партия ташки-лоти етакчиси, халқ депутат-лари вилоят Кенгашидаги ХДП де-путатлик гуруҳи раҳбари О.Равша-нов Халқаро феоаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан ўтказилган тадбирлар ва олий ўқув юртоларида шартнома асосида ўқийётган талабаларға бир миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам уюш-тирди. Тошкент шахар Кенгаши де-путати, «Билдинг технолоджи» қўшма корхонаси бош директори С.Ким ёрдам сўраб муружаат қил-ган фуқароларға шу йилнинг ўзида икки миллион сўмдан кўпроқ мод-дий ёрдам кўрсатди. Шунга ўхшаш қўллаб-қўллашларни ХДПдан сайлан-ган депутатлар, фаолларимиз фа-лиятидан келтириш мумкин.

Марказий Кенгаш шу йўналишда қилинадиган ишларнинг қўламини кен-гли ва аҳамиятини инобатга олиб, яна бир хайрли ишга қўл урди. ЎзХДП Марказий Кенгаши Ихроия

даги депутатларнинг республика ва минтақавий ўқушлари ташкил этил-ди. Уларнинг долзарб вазифалари фаоллар йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар берил-ди. Партия тузилмалари депутатлик қабулхоналари ишини ташкил этиш, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказишга амалий қўмак бераётдилар. Натижада, партиямиздан сайланган депутат-ларнинг ўз сайловчилари, партия электорати, соҳават, аҳолининг кундалик ҳаёти билан яқиндан тани-шиб, одамлар дуч келаётган муам-моларни чуқурроқ ўрганиб, огири-ни энгиллатишга ҳаракат қилмоқ-далар.

Утган йили Самарқанд вилояти, Урганч тумани, Қорапета қишлоқ фу-қаролар йиғини ҳудудидики бир неча қишлоқ аҳолиси Ўзбекистон ХДПдан вилоят Кенгашига сайлан-ган П.Собиरोвдан марказий теле-лар видениеси кўрсатувларини томоша қилиш имкониятини яратишга қўмақлаштириш сўрадилар. Депутат муаммони обдон ўрганиб, тегиш-ли идора ва ташкилотларга муро-жаат қилди. Унинг елиб-югуриши тўғрисида 30 миң АҚШ доллари миқдоридики телеузаткич ускуна-лари ўрнатилди. Тоғолди ҳудудлар-да истиқомат қилувчи талай аҳоли телеузор орқали марказий канал-ларни томоша қилиш имкониятига эга бўлди. «Оқдарё» ширкат хўжа-лиги раиси, халқ депутатлари ту-ман Кенгаши ХДП депутатлик гу-

руҳи раҳбари Н.Умаров 63-сонли маҳсул мақтаб-интернат тарбияла-нувчиларини сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақса-дида, уларга битта соғин сигир совға қилди.

Қашқадарё вилоят Кенгашига ХДПдан сайланган депутат, вилоят касабани уюшма ташкилотлари бир-лашмаси раиси Э.Ражабов сай-ё ҳаракатлари билан кам таъминлан-ган оилалар, мактаб-интернат, Ме-хрибонлик ва Саҳоват уйлариға тўққиз миллион сўмлик ҳомийлик қўмақ кўрсатилди. Партия ташки-лоти етакчиси, халқ депутат-лари вилоят Кенгашидаги ХДП де-путатлик гуруҳи раҳбари О.Равша-нов Халқаро феоаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан ўтказилган тадбирлар ва олий ўқув юртоларида шартнома асосида ўқийётган талабаларға бир миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам уюш-тирди. Тошкент шахар Кенгаши де-путати, «Билдинг технолоджи» қўшма корхонаси бош директори С.Ким ёрдам сўраб муружаат қил-ган фуқароларға шу йилнинг ўзида икки миллион сўмдан кўпроқ мод-дий ёрдам кўрсатди. Шунга ўхшаш қўллаб-қўллашларни ХДПдан сайлан-ган депутатлар, фаолларимиз фа-лиятидан келтириш мумкин.

Марказий Кенгаш шу йўналишда қилинадиган ишларнинг қўламини кен-гли ва аҳамиятини инобатга олиб, яна бир хайрли ишга қўл урди. ЎзХДП Марказий Кенгаши Ихроия

кўмитаси Хайъатининг қарори билан ўтган йил охирида бачча партия кенгашлари ҳузурнда жамо-атчилик қабулхоналари ташкил қилинди.

Самарқанд, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва пойтахт туманларида бўлганимизда жамоатчилик қабул-хоналари учун қўлаб ва жиҳозлан-ган жой ажратилганлиги, қабул қуни ва соатлари жадавллари, шунинг-дек, қабул қилувчилар рўйхати ту-зилганлиги, бу ҳақда маҳаллий мат-буотда эълонлар берилганлиги, фу-қароларнинг ёзма ва оғзаки муро-жаатлари эътиборсиз қолдирилма-ётганига амн бўлди. Мамлаката-мизнинг бошқа минтақа, шахар ва қишлоқларида ҳам қабулхоналар шундай ташкил этилган.

Қабулхоналарнинг иши ва уларга келаётган фуқароларнинг муружа-атлари таҳлил қилинганда, бу ту-зилманнинг ҳақиқатан ҳам зарурли-гига, одамлар партияга ишониб ке-ляётганига, кўпчилик муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш мум-кинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Чу-нончи, жорий йилнинг биринчи чо-рагида партия жамоатчилик қабул-хоналарида 4310 та муружаат қайд қилинди. Фуқаролар қандай маса-лалар билан муружаат этимоқдалар? Қабулхоналарға келганларнинг 24 фоизи табиий газ, иссиқлик, электр энергияси ва ичимлик суви таъми-нотидаги узилдишларни бартараф этиш, 14 фоизи турар жой ва экин экиш учун ер ажратиш, 13 фоизи

ишга жойлаштишга қўмақлаштиш, 4 фоизи иш ҳақини ўз вақтида олиш-га ёрдамлаштиши сўраган. Январ ойида ишга жойлаштишга, иш то-пишга ёрдам беришни сўраб кел-ганлар 131 нафар бўлган бўлса, февраль ойида 203, март ойида 190 ва апрель ойида 128 нафарни таш-кил этди.

Партия ташкилотлари фуқаролар кўтарган муаммоларни ўрганиб, ХДП депутатлари, маҳаллий ҳокимликлар, идоралар, маҳалла фуқаролар йиғин-лари, жамоат ташкилотлари орқали уларни хал этишга ҳаракат қилмоқ-далар. Натижада, муружаатларнинг 65 фоиздан ортиғи иқтисодий хал этил-ди. 25 фоизи тегишли идора ва таш-килотларга юборилиб, назоратга олинди. Қолганлари бўйича фуқаро-ларға юридик маслаҳат ва тавсия-лар берилди.

Бироқ, бу соҳада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Марказий Кенгаш партия ташкилотлари ва депутат-лик тузилмалари эътиборини уларни бартараф этишга қарат-моқда. Хуллас, партиямиз катта сиёсат аниқ ишлардан бошланганини яхши идрок этиб, электорат, бу-тун аҳоли турмушига дахлдор, ҳат-токи, муъазизгина, кўзга кўринмас масалаларнинг ҳам амалий хал қилинишига қўмақлаштишга астой-дил киришди. Бу амалий ишлар партиямизга халқ ишончи янада ошишига хизмат қилди, албатта.

Собир ҚУРБОНОВ

• Биз билган ва билмаган тарих

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА

ёки ойма монанд юлдузлар маскани истиқлол шарофати билан янгича чирой очаётгани ҳақида



Ситораи Моҳи Хосса... Бу гўзал обидага илк бор зиёратга келган киши унинг бетакрор меъморий қиёфасини кўриб ҳайратини яширолмастгиси табиий. Чунки XIX-XX асрлар Бухоро шаҳарозлик санъатининг ноёб дурдонаси ҳисобланган бу мажмуа қурилишида Шарқ ва Ғарб услублари уйғунлаштирилган бўлиб, ушбу сифатлар билан алоҳида ажралиб туради.

Обиданинг дастлабки иморатлари 1826-1860 йиллари қурилган. Олдин унинг ўрнида ўн гектарли боғ барпо этилган. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ҳужжатлар фондидан сақланган XIX асрга оид лойиҳаларга қараганда, ўша даврда кўпгина бинолар, кўшлар, шийпонлар қурилиши охиригача етказилмаган ёки бизнинг давримизгача сақланмаган. XIX асрнинг охири яъни 1860-1885 йилларга келиб машҳур меъмор Остонақул Ҳафизов Ситораи Моҳи Хосса-нинг янги лойиҳасини яратган ҳамда қурилишни давом эттирган. Бироқ бу ердаги сарой ва ҳушманзара боғ 1885-1910 йилларда барпо қилинган.


Қурилишга меъмор уста Ҳожи Ҳафиз раҳбарлик қилган. Мазкур сарой Исфаҳон ва Бухоро меъморчилигини ўзида акс эттирган. У квадрат шаклидаги бино бўлиб, унда кўпроқ рус меъморчилигининг таъсири сезилиб туради. Сабаби, уни қуришдан олдин бир гуруҳ бу-

хоролик усталар Европа қурилишига оид янгиликларни ўрганиш учун атайлаб Петербург ва Ялтага юборилган.

Ёзги саройнинг асосий бинолари ўтган асрнинг бошларида қурилган. Шу даврдан бошлаб сарой мажмуаси янги ва эски саройга ажратилган бўлган. Янги саройнинг умумий майдони 6,7 гектардан иборат бўлиб, у чорбоғ, қабулхона, ҳарам, канизакхона, кўшк, масжид ва филхоналарни ўз ичига олган. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлига қарамай, боғнинг режаси алоҳида. Боғ темирўйлар давридаги қадим Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Мазкур боғ саҳни бир-бирига перпендикуляр кетган йўллар билан тўртта тўғри бурчакли майдончаларга бўлинган. Боғнинг қоқ ўртасида эса саҳни хонали кўшк — меҳмонхона қурилган. Бу бинонинг деворлари, шифти худди Бухоро-нинг зардузи кашталарини эслатадиган қилиб ишланган, олтин ва қумуш суви югуртирилиб, «қундал» нақшлар билан безатишган.

Боғнинг жанубида ойнавандли гулхона бўлган. Унинг ёнида икки қаватли бино — канизакхона, ёгондан қурилган масжид, фозгон мармаридан қурилган — ўша пайтда Марказий Осиёдаги энг катта (53x46 метр) ҳовуз жойлашган. Боғнинг тўрида, ҳовуз жанубида хайвон ва паррандалар учун майдонча ҳамда филхона барпо этилган.

Ситораи Моҳи Хосса чиндан ҳам номига монанд гўзал иншоотдир. Унга ойма монанд юлдузлар маскани дея таъриф берилиши бежиз эмас. Боғнинг шимоли-ғарбий бурчагида ҳам алоҳида дид ва юксак санъат билан янги сарой қурилган. Бу саройга асосий кириш дарвозаси унинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган. Дарвозахона қошин ва рангли шишалар билан безатилган. Дарвоза ус-



тидаги равоқ, гулдаста ва пештоқ Марказий Осиё биноларига хос бўлмаган тўқ қизил, кўк-гунафша, хаворанг сополлар билан қопланган. Унинг тепа қисмида гандан ишланган кўзлар ва ярим ой шакли туширилган рамзий безаклар ўрнатилган. Дарвозахонадан эса ташқари ҳовлига кирилган.

Янги саройнинг расмий қабулхона биноси «П» шаклида қурилган бўлиб, унда ҳашаматли айвон, саломхона, ётоқхона, даҳлиз ва қутиш заллари, ойнавандли чойхона, мизраҳона, зифат ва шахмат заллари жойлашган. Саройнинг жануб томонидаги хоналар яқка қабуллар учун мўлжалланган. Бу ерда энг яқин амалдорлар қабул қилинган. Саройда ишлатилган қандиллар Варшавадан, лампочкалар Венадан, паркет поллар Россиядан, дераза ва эшик тутқичлари, кўлф, илғичлар Англия-

дан, кафелли печлар Олмониядан, рангли шишалар Фарангистондан келтирилган. Уйлари маҳаллий усталар безатган. Ёгонч ўймакорлиги билан бажарилган шифт ва деворларнинг гулдор ҳамда жимжимдор қилиб безатилишини бухоролик усталар — Абдулла Фафуров, Қарим Самадов, Бобораҳим Ҳаётов, дурдорлар — Қори Чўбин, Уста Ҳўжақул, Уста Ҳожи Қўрбонлар бажарганлар.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, — дейди вилоят тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш инспекцияси бошлиғи Тўйғун БОБОЕВ, — яқин ўтмишда миллий меъморчилигимизнинг бошқа дурдоналари каби Ситораи Моҳи Хосса ҳам узок вақт эътиборсиз қолдирилди. Натихада унинг кўп жойларига кимлардир томонидан шикаст етказилди. Бойликларни талон-торож қилин-

ди. Бу ҳам етмагандай, саройдан дам олиш уйи, санаторий сифатида фойдаланилди. Шу боис бинолар миллий меъморчилик анъаналарига тамомилан зид тарзда қайта қурилди.

Ҳа, бу кечаги гап. Бухорода ўшанда ҳам собиқ марказ зугумидан чўчимайдиغانлар бор эди. Тарихчи олимлар, музей фидойилари аждодларимиз меросини асраб қолиш мақсадида «юқори»га ташаббус билан чиқиди. Шундан сўнг санаторий учун янги бино қурилиб, ёзги сарой мажмуига кирувчи бинолар яна музей ихтиёрига қайтарилди. Мустақилликка эришганимиздан кейингина бу ердаги тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, уларни таъмирлашга эътибор кўчмади. Хусусан, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Ситораи Моҳи Хосса меъморий мажмуаси қайта ёшарди. Бу ердаги халқ амалий санъати музейи фаолияти тубдан кўриб чиқилди. Бухоро давлат бадий меъморчилик музей-қўриқхонаси филиали ҳисобланган мазкур музейнинг экспозиция майдони 2200 квадрат метр бўлиб, унда мингдан ортиқ осори-атиқалар намойиш қилиняпти. Мазкур музей уч бўлимдан иборат. Бош қароргоҳда халқ амалий санъати ва сарой жиҳозлари кўргазмаси, хонаи ҳашт, яъни саккиз бурчакли меҳмонхонада эса XIX-XX асрларга оид Бухоро миллий либослари намойиш этилмоқда.

Бугун Шарқ гавҳари ҳисобланган Бухорога ҳар йили минглаб чет эллик сайёҳлар ташриф буюришади. Шаҳар бўйлаб сайёҳат эса Ситораи Моҳи Хосса ёзги саройидаги музей томошаси билан ниҳосига етади. Чунки, бу ердаги қадим аждодларимизга хос ҳар бир ёдгорлик ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди.

— Бухородаги ҳамма тарихий обидаларни томоша қилдим, — дейди исроиллик сайёҳ Гилешон ЭСТЕР. — Аммо Сито-

раи Моҳи Хоссага тенг келадигани йўқ экан. Бу обида ҳақиқий муъжизанинг ўзгинаси. Уни асраб-авайлаётган, обод қилаётган бухороликларга раҳмат.

— Бизнинг мамлакатда ҳам тарихий ёдгорликлар бор, — дейди биз билан суҳбатда чехиялик Мирослав ШАФРЕННИК. — Аммо бухороликларнинг қадимий обидаларга қайта умр бағишлаётганликларини кўриб, уларнинг меҳнатига, эътиборига қойил қолдим.

— Гўзалликнинг умри боқий, — дейди Қоракўл туманидаги 15-ўрта мактаб директори Ҳасим ФАЙЗИЕВ. — Таътилдан фойдаланиб ўқувчиларни мазкур масканга олиб келдик. Музей экспонатларига қўйилган ҳар бир буюм — катта тарих. 160 ёшли дуб дарахти, 200 ёшли кекса тут, товуслар, ноёб гуллар ўтмишдан сўзлабгина қолмай, ёшларда аждодлар меросига ҳурмат туйғусини уйғотади.

Дарвоқе, бухоролик қўли гул усталар айна пайтда мажмуа таркибига кирувчи иншоотларга янги мазмун бағишлаш ишига киришганлар. Яқин орада бу ерда замонавий амалий санъат музейи кўргазмаси иш бошлайди. Бундан ташқари, ахборот маркази, маърузалар хонаси қурилиши ҳам мўлжалланмоқда. Ҳомийлар кўмагида сарой қалъа деворининг бир қисми қайта тикланиши режалаштириляётгани саховат ва бағрикенгликда ҳикмат кўплиги, қўнра юрт аҳлининг маданий меросга нисбатан қуноқчилиги юқорилигидан далolat беради.

Қорғди ЖУМАЕВ,
Ситораи Моҳи Хосса халқ амалий санъати музейи директори,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратларда: ёзги кўшк; ёзги саройнинг дарвозаси.



АВСТРИЯ



Австриялик бир гуруҳ журналистлар сув остида ўтказилган ўзига хос матбуот анжуманида қатнашдилар. 21 репортёрдан иборат жамоа дайвингчилар қиймида Траун қўли тубига (беш метр чуқурлик) тушган. Матбуот анжумани Лео Ашенбауэр ва Клаус Шремсернинг дайвинг бўйича янги китоби чиқишига бағишланди. Журналистлар қўлида маҳсул сув юқтирмайдиган ручка ва қоғоз бўлган. Яқин орада улар Гиннеснинг рекордлар китоби қўмитасига мазкур фаолият бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилганини қайд этиш учун ариза беришмоқчи.

Сувоети матбуот анжумани бўйича амалдаги жаҳон рекорди ўтган йили ўрнатилган. Унда Лас-Вегаслик 15 журналист қатнашган.

ИРОҚ

3 июнь кунни Эл-Мансур туманидаги, дипломатия ваколатхонаси биноси яқинида экстремистлар Россия элчихонаси автомобилда кетаётганларга ҳужум уюштирган эди. Ҳужум чоғида элчихона ходимларидан бири Виталий Титов ҳалок бўлган, қолган тўрт россиялик эса экстремистлар томонидан номаълум томонга олиб кетилганди. Шу ҳафта бошида уларнинг «Ал-Қоида» билан боғлиқ экстремистлар ташкилати томонидан ўғирлаб кетилгани маълум бўлди. Узини «Муҳождлар мажлиси кенгаши» деб атаган бу гуруҳ Чеченistonдаги Россия қўшинлари олиб чиқиб кетилишини ва барча «Россия қамқоқоналаридан опа-сингиллари ва ака-укалари» озод этилишини талаб қилмоқда. Бу талаб рад этилган тақдирда гаровга олинганларнинг тақдири не кечиси ҳақида жангарилар ҳозирча ҳеч нарса дейишмаяпти. Айнан ушбу гуруҳ томонидан икки америкалик аскар Бағдод яқинида ўғирлаб кетилган ва ўлдирилган эди. Утган жумлада йўқолиб қолган оддий аскарлар Кристиан Мениаки ва Томас Лоуэлл Такернинг мурдалари топилган. Улар ваҳшийларча ўлдирилган.



«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Сизга омонат турларини таклиф этади!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳамда аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган талабларини қондириш мақсадида ўзининг янги омонат турларини таклиф қилади.

«ЁШ АВЛОД» деб номланган омонат турига маблағлар 1 июлга қадар қабул қилинади. Йиллик фоиз миқдори 24 ФОИЗНИ ташкил этувчи мазкур депозитнинг бошланғич маблағ миқдори 100 минг сўмдир.

«ОНА ЮРТ» номли омонат уч ой муддатли бўлиб, йиллик фоиз миқдори 22 ФОИЗНИ ташкил этади. Ушбу омонат бўйича фоизлар миқдорининг хоҳишига кўра, ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек, «Микрокредитбанк» АТБ тизимида «ИСТЕЪМОЛ» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, миқдор 45 КУНДАН СЎНГ мазкур жамғармага қўйган маблағининг УЧ БАРАВАРИ миқдоригача истеъмол кредити олиш имкониятига эга бўлади.

Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган. Омонатингизни авайлаб асраймиз ва кўпайтирамиз.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТНИ 173-28-11, 173-28-12, 173-05-79
ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул эълон қилади.

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 5140900 — Касб таълими (қурилиш);
- 5140900 — Касб таълими (санъатшунослик);
- 5140900 — Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши);
- 5210900 — Дизайн;
- 5340200 — Менежмент (соҳалар бўйича);
- 5521100 — Ер усти транспорт тизимлари;
- 5540100 — Геодезия, картография ва кадастр;
- 5580100 — Архитектура;
- 5580200 — Бинолар ва иншоотлар қурилиши;
- 5580400 — Муҳандислик коммуникациялари қурилиши;
- 5580500 — Қурилиш материаллари ва буюмларнинг ишлаб чиқариш технологияси;
- 5620700 — Ер тузиш ва ер кадастри;
- 5860100 — Ҳаётий фаолият хавфсизлиги;
- 5810900 — Сервис (уй-жой - коммунал ва маиший хизматлар).

Бакалавриатурага кирувчилар — таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- Ректор номига ариза;
- Ўрта ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси);
- У-086 шаклидаги тиббий маълумотнома;
- б/она 3x4 ўлчамдаги фотосурат;

МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 5A580101 — Бино ва иншоотлар архитектураси (ўзбек, рус);
- 5A580102 — Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш (ўзбек, рус);
- 5A580201 — Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар (ўзбек, рус);
- 5A580202 — Замин ва пойдеворлар (ўзбек, рус);
- 5A340201 — Менежмент (соҳалар бўйича) (ўзбек, рус);
- 5A580402 — Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш (ўзбек, рус);
- 5A580405 — Иштиш, шамоллатиш, ҳавони муътадиллаш ва ҳаво ҳавасини муҳофаза қилиш (ўзбек, рус);
- 5A540101 — Амалий геодезия (ўзбек);
- 5A620701 — Ер тузиш ва ер кадастри (ўзбек).

Магистратурага кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- Ректор номига ариза;
- Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда иловаси;
- У-086 шаклидаги тиббий маълумотнома;
- б/она 3x4 ўлчамдаги фотосурат;

5. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади;

6. Паспорт нусхаси.

«Менежмент» йўналиши бўйича — математика, чет тили, она тили ва адабиётдан, қолган барча йўналишлар бўйича — математика, физика, она тили ва адабиётдан тест синовлари Давлат тест маркази томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

«Архитектура», «Дизайн» ва «Касб таълими (санъатшунослик)» йўналишлари бўйича факультетлардан ижодий имтиҳонлар 21 июндан 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳонлар ягона кўп баллик баҳолаш тизими асосида ташкил қилинади. «Архитектура», «Дизайн» йўналишлари бўйича умумтаълим фанлари математика, она тили ва адабиётдан, «Касб таълими (санъатшунослик)» йўналиши бўйича умумтаълим фанлари тарих, она тили ва адабиётдан тест синовлари юқорида кўрсатилгандек бошқа йўналишлар билан бир кунда ўтказилади.

Кундузги бўлимга ҳамма йўналишлар бўйича иккинчи мутахассисликка суҳбат асосида ўқишга қабул қилинади.

«Қурилиш» йўналишига қабул қилинган талабалар ҳарбий тайёргарлик курсини ўташади ва уларга ҳарбий унвон берилади.

ҲУҶЖАТЛАР 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

5. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади;

6. Паспорт нусхаси.

Барча мутахассисликлар учун мутахассисликдан ҳамда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан ёзма имтиҳон топирилади.

Ҳужжатлар 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.
Манзиллими: Самарқанд шаҳри, Лозавор кўчаси — 70.
Тел.: 237-15-93, 237-03-25, 237-12-77.
Транспортлар: 2, 7, 19, 59, 79, 82, 86-микротаъбусларнинг «СамДАКИ» бекати.

